

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 330.8 (575.1)*

**Тўрабаева Нортожит Мирабдуллаевна**

**ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**(Наманган вилояти мисолида)**

**08.00.12 – «Минтақавий иқтисод»**

Иқтисод фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент – 2010**

Диссертация иши Наманган давлат университетида бажарилган.

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори  
**Маматов Ахметжон Атажанович.**

**Расмий оппонентлар:** география фанлари доктори, профессор  
**Қаюмов Абдухаким Абдухамидович;**

иқтисод фанлари доктори  
**Низомов Аслиддин Бадриддинович.**

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академияси Иқтисодиёт институти

Ҳимоя Тошкент молия институти ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори  
илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.60.01  
рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил «\_\_\_»  
\_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ да ўтадиган мажлисида бўлади.

**Манзил:** 100000. Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60-А уй.

Диссертация билан Тошкент Молия институти кутубхонасида танишиш  
мумкин.

**Автореферат 2010 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.**

**Бирлашган ихтисослашган  
кенгаш илмий котиби,  
география фанлари номзоди, доцент**

**Ш.А.Азимов**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Хусусий тадбиркорлик энг юқори даражада ривожланган, самарали иқтисодий фаолият юритишнинг муҳим шаклларида бири сифатида жаҳон хўжалиги ва минтақалар тизимида ўзининг алоҳида ўрнига эга. Ривожланган мамлакатларда хусусий тадбиркорликнинг ҳиссасига ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоизи ва банд бўлган аҳолининг 50 фоизидан ортиқ қисми тўғри келади. Шунингдек, хусусий тадбиркорлик иқтисодиётда монополистик жараёнларнинг ривожланишига тўсиқ бўлиб, фан-техника тарақиётини жадаллаштиришга, миллий иқтисодиётда ва унинг минтақаларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишга туртки беради.

Хусусий тадбиркорлик йирик бизнес билан фаол ҳамкорлик қилади. У мамлакат ва минтақалар миқёсида янги иш ўринларини яратиш, ишсизлик даражасини пасайтириш, малакали мутахассисларни тайёрлаш каби муаммоларни ҳал этишда асосий роль ўйнайди. Маълумки, кичик корхоналар меҳнат унумдорлигининг даражаси ва самарадорликнинг баъзи кўрсаткичлари бўйича йирик корхоналарни орқада қолдиради. Хусусий тадбиркорлик қўшимча иш кучини жалб этиш орқали жаҳон хўжалигининг эгилувчанлиги ва мослашувчанлигини оширади ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлайди.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек «...кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради»<sup>1</sup>. Фақат юқори ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришиб фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлик субъектларигина иқтисодий ўсишга ва бандликни таъминлашга ўз ҳиссаларини қўша оладилар.

Миллий иқтисодиётда ва унинг минтақаларида хусусий тадбиркорлик имкониятларининг ортиши, унинг салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишни зарурат қилиб қўймоқда. Ҳозирги даврда хусусий тадбиркорлик иқтисодиётда сезиларли ўрин эгалламоқда, лекин шу билан бирга ўзининг кичиклиги ва ишлаб чиқариш омилларига эгалик қилиш имкониятларининг чекланганлиги сабабли у маълум даражада ҳимоясиз ҳам бўлиб қолмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё мамлакатларига, жумладан, унинг минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига жиддий ва айни пайтда турли даражада таъсир кўрсатди. Бу даврда мазкур мамлакатлар ва минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини, табиий-ресурс салоҳиятларини, турли ривожланиш даражасидаги минтақалар тарақиётининг хусусиятларини ва айниқса, уларда хусусий тадбиркорлик ривожланишининг истикболли йўналишлари тўғрисидаги билим ва тасаввурларни эгалламасдан

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари -Т: “Ўзбекистон”, 2009. -Б. 46.

туриб, жамият ҳаётида мавжуд бўлган ва янгитдан юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тизимли ҳал қилиш мумкин эмас.

Жумладан, Республикамизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш талаб этилади. Хусусий тадбиркорларнинг самарали фаолият юритиши, янги хусусий корхоналарни ташкил этиш ва уларни ривожлантиришда катор молиявий, маъмурий ва ташкилий муаммолар сақланиб қолмоқда. Шунингдек, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ўзига ҳос минтақавий хусусиятларга эгаллиги, бу соҳада маҳсус илмий тадқиқотларни олиб боришни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси танланган мавзунинг долзарблигини ва амалий аҳамиятини ифода этади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари ҳамда уларни такомиллаштириш масалалари хорижий иқтисодчи олимлар А.Смит., Р.Кантильон., Ж.Б.Сей., А.Хоскин., Й.Шумпетер., Хизрич Р., Питерс М. ва бошқаларнинг<sup>2</sup> асарларида ёритилган.

Хусусий тадбиркорликнинг моҳияти, назарий асослари ва унинг минтақавий хусусиятлари бўйича рус олимларидан А.В.Бусыгин, В.М.Власова, А.М.Самозкин, С.Ф.Борисов, В.В.Радаев, А.Г.Гранберг, В.Г.Гутман, И.А.Родионовалар тадқиқотлар олиб борганлар<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда ва унинг минтақаларида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ва айрим минтақавий хусусиятлари иқтисодчи олимларимиз Ш.Ш.Шодмонов, Т.Т.Жўраев, Т.М.Ахмедов, А.М.Содиқов, О.Абдуллаев, А.А.Қаюмов, Ф.Т.Эгамбердиев, К.Муфтайдинов, Д.С.Алиматова, А.А.Қулматов, Н.К.Мурадоваларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган<sup>4</sup>.

---

<sup>2</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов.-М.: 1976.-332 с., Кантильон Р. Основы предпринимательской деятельности.- М.: 1994. – 144 с., Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.:1982.–230 с., Хизрич Р. Питерс М. Предпринимательство. Вып 1. –М.: 1998.– 126 с., Сей Ж.Б. Трактат политической экономии – М.: Экономика. 1980.-С.217., Хоскин А. Курс предпринимательства.- М.: Международные отношения, 1993. - 273 с.

Радаев В.В. Экономика переходного периода. Учебное пособие.-М.:1995.-456с., Власова В.М. Основы предпринимательской деятельности. –М.: Финансы и статистика 1996.-106 с., Самозкин А.М. и др. Теория и практика бизнеса. –М.: РФА.1997.–230 с., А.Г.Гранберг Основы региональной экономики. М.: ГУ.ВШЭ. 2004. С-495., В.Г.Гутман и др. Управление региональной экономикой М.: Финансы и статистика. 2002. С-176., И.А.Родионова Региональная экономика. М.:Экзамен. 2003. С-384.

<sup>4</sup> . Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. -Т.: «Молия», 2002.- 414 б., Ахмедов Т.М. Управление территориальной организацией производительных сил и комплексным развитием регионов Узбекистана: Автореф. дисс. ...докт. экон. наук.-Т.: 1992-С. 40., Содиқов А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. Монография. Тошкент. «Иқтисод-молия» 2005. – С. 280., Абдуллаев О. Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти. Тошкент. “Янги аср авлоди” 2009.-С.282., Қаюмов А., Назарова Х., Эгамбердиев Ф.Т., “Минтақавий иқтисод”(ўқув қўлланма).Т.: ЎзМУ.2004 . –Б.122., Солиев А.С. ва бошқалар Минтақавий иқтисодиёт. Тошкент. Университет., Эгамбердиев Ф.Т. Региональные особенности развития агропромышленного производства в условиях либерализации экономики. Автореф. дисс. ...докт. экон. наук.-Т.: 2003-С. 35., Муфтайдинов Қ Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Иқт.фан.док. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.- Т.: 2004-25,б., 2003. –Б.304., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Иқт.фан.ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т.: 2004. –21 б., Муродова Н.К. Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари. Иқт.фан.ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т.: 2008. –21 б.,

Юқорида қайд этилган илмий ишларда иқтисодиётни эркинлаштириш даврида хусусий тадбиркорликнинг моҳияти, назарий асослари, уни ривожлантириш хусусиятлари тадқиқ этилган. Минтақаларнинг табиий-ресурс салоҳияти, худудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг ривожланиш хусусиятлари ва унда ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши истиқболлари кенг тадқиқ этилган. Бироқ, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари алоҳида Наманган вилояти мисолида мустақил мавзу сифатида, чуқур тадқиқ этилмаган.

Мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида минтақаларда, жумладан, Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги ушбу мавзунини танлашга асос бўлди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Наманган давлат университети илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда диссертацияда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги назарияларнинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш;
- Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида минтақа иқтисодиёти таркибини шакллантиришга хусусий тадбиркорликнинг таъсирини тавсифлаш;
- Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш йўллари аниқлаш;
- фермер ва деҳқон хўжаликлари минтақада хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим шакллари эканлигини асослаш;
- Инқирозга қарши чоралар дастури минтақаларда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг устувор йўналиши эканлигини очиб бериш;
- иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида минтақада хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг истиқбол кўрсаткичларини башорат қилиш;
- Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти.** Наманган вилояти иқтисодиётида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети.** Республикада ва Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқот методлари** сифатида тарихийлик, тизимли таҳлил, монографик таҳлил, анкета-сўровномалар, иқтисодий-статистик, қиёсий таҳлил, график ва жадвал усулларидадан фойдаланилди.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

- иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;
- хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда минтақанинг рақобатбардошлик бўйича афзалликлари тавсифланган ва улардан фойдаланиш имкониятлари аниқланган;
- Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида минтақа иқтисодиётининг самарали таркибий тузилмасини шакллантириш ва унда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устивор йўналишлари бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

- хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий моҳиятини ифодаловчи такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;
- иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида минтақа иқтисодиёти таркибий тузилмасини такомиллаштиришда хусусий тадбиркорликнинг ўрни аниқланган;
- Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш жараёнида хусусий тадбиркорликни касаначилик, лизинг асосида ривожлантиришнинг илмий асослари ва минтақавий хусусиятлари очиқ берилган;
- минтақада хусусий тадбиркорликнинг асосий шакллари бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган;
- иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида минтақада хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва стратегиясини аниқлашга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари асосида олинган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар ва концепцияларни ишлаб чиқишда, Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси фаолиятида қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида «Иқтисодиёт назарияси», «Тадбиркорлик асослари», «Минтақавий иқтисодиёт» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертацияда келтирилган илмий натижалар ва амалий таклифлар Фуқаролик жамиятини ўрганиш

институтининг Наманган вилояти филиали (Маълумотнома №01/115.06.06.2008), Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармасида (Маълумотнома №СС11-11-01/1001. 08.09.2008), Наманган Давлат университетида “Минтақавий иқтисодиёт”, ”Тадбиркорлик асослари” фанларини ўқитишда (Маълумотнома №1132-04. 8,11.2008) фойдаланилмоқда.

**Ишининг синовдан ўтиши.** Тадқиқот ишининг мазмуни, ғоялари ва натижалари қуйидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида баён қилинган ва маъқулланган: Ўзбекистон Республикасида минтақавий географик сиёсат: муаммолар ва ечимлар (Наманган, 2001); Аграр соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари (Фарғона, 2005), Социально-экономические проблемы переходной экономики (Санкт-Петербург-Ташкент, 2005), Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида назарияни амалиётга тадбиқ этишда иқтисодчилар ва муҳандисларнинг ўрни (Наманган, 2006), Аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни. (Тошкент, 2008), Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида минтақа бозор инфратузулмасининг ривожланиш муаммолари (Тошкент, 2008), Развитие теории о предпринимательстве в экономической литературе. Қозоғистон Республикаси (Жетисой, 2008), Наманган вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари (Тошкент, 2008), Наманган вилояти иқтисодий ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари (Гулистон, 2008), Минтақада касаначиликни ривожлантириш инқирозга қарши чоралар дастурининг устувор йўналиши сифатида. //Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Республика илмий-амалий конференция материаллари (Тошкент, 2009), Наманган вилоятида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ва мутаносиблигини мустақамлаш бугунги куннинг устивор вазифаси. Республика илмий-амалий конференция материаллари (Тошкент, 2009).

Диссертация иши Наманган Давлат университети ва Тошкент Молия институти ҳузуридаги Д.067.60.01.рақамли бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарларида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни умумий ҳажми 3,8 босма табоқдан иборат 3 та илмий мақола, 12 та илмий маъруза тезисларида ўз ифодасини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, у 21 та жадвал ва 2 та расмни ўз ичига олган. Диссертациянинг матни 156 бетни ташкил этади.

## 2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иқтисодий фанда тадбиркорлик ва унинг турли шакллари тўғрисида кўпгина классик иқтисодчилар ва ҳозирги замон олимлари тадқиқотлар олиб

борганлар. Тадбиркорликни иқтисодий фаолият сифатида биринчилар қаторида тадқиқ этган олимлар Ричард Кантильон, Ж.Бодо, Ж.Б.Сей бўлиб ҳисобланади.

Жамиятда эркин бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши натижасида иқтисодчи олимларнинг тадбиркорликнинг моҳиятига нисбатан муносабатлари ва қарашлари ўзгариб борди. Бу даврда тадбиркорлик назариясини америкалик олимлар Й.Шумьпетер, М.Петерс ва Р.Хизричлар тадқиқ этганлар. Масалан, тадбиркорда «новаторлик» хусусиятининг мавжудлигини ва янги иқтисодий имкониятларни аниқлашга ишлаб чиқариш омилларининг уйғунлашувини Й.Шумьпетер<sup>5</sup> тадқиқ этган.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг назарий ва амалий жаҳатлари республикамиз олимлари А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев, Қ. Муфтайдинов, М.Расулов, Ш.Шодмонов ва Т.Жўраевлар томонидан ривожлантирилди. Масалан, Ш.Шодмонов ва Т.Жўраевлар тадбиркорлик фаолияти тушунчасининг мазмуни унинг ўзаро боғлиқ вазифаларини аниқлаш билан тўлиқ намоён бўлишлигини изоҳлайдилар,<sup>6</sup> Қ. Муфтайдиновнинг фикрича, «тадбиркорлик иқтисодий фаолиятни ҳаракатлантирувчи куч сифатида иқтисодий маховик бўлиб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди»<sup>7</sup>.

XXI асрнинг бўсағасида жаҳон иқтисодиётида кескин ўзгаришлар содир бўлди. Жамият ахборотлашган постиндустриал босқичга ўтмоқда. Информацион технологиялар компания ва хусусий тадбиркорлар фаолиятини юритиш услубларини ўзгартирди. Такрор ишлаб чиқариш жараёни омиллари ва шу билан бирга тадбиркорликнинг моҳияти, ҳамда мазмуни ўзгармоқда. Шунга кўра, бизнингча, “тадбиркорлик бу ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ бўлган, бошқа субъектлар билан қонун ҳужжатлари доирасида алоқа қиладиган, маълум даражада таваккалчилик билан боғлиқ ҳолда шахсий ва жамоавий ташаббускорликка асосланган, тўла мулккий жавобгарлик асосида жамият эҳтиёжига мос товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш орқали маълум даражада даромад (фойда) олишни таъминлайдиган фаолиятдир”.

Тадбиркорлик кўп қиррали фаолият бўлиб ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини қамраб олади. Мулккий жиҳатдан тадбиркорликнинг хусусий, жамоа ва давлат шакллари мавжуд. Хусусий тадбиркорлик бу- хусусий мулкга асосланган ҳолда жисмоний шахс манфаатлари йўлида фаолият олиб боришдир. Тадбиркорликнинг жамоа шаклида унинг ҳуқуқий манбаи бўлиб мулк эгаллиги эмас, балки меҳнат жараёнида иштирок этишлилик ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётда таъкидлаб ўтиладики, йирик ва кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамкорлигининг асосан тўрт шакли мавжуд: ички пудрат муносабатлари, франчайзинг, венчурли молиялаштириш ва лизинг. Бизга маълумки, ички пудрат муносабатлари АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония, шу

<sup>5</sup> Шумьпетер Й. Теория экономического развития: -М.: 1982 – С. 130.

<sup>6</sup> Шодмонов Ш.Ш., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: «Молия», 2002. –Б.180.

<sup>7</sup> Муфтайдинов К. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Иқт.ф.д. илмий даражани олиш учун ёзилган дис. автореферати.- Т.: 2004-Б. 25.



билан бирга Осиё – Тинч океани худудларининг баъзи бир давлатларида кенг ривожланган. Ўзбекистон иқтисодиётида ички пудрат муносабатлари юқори даражада шаклланмаган.

Миллий иқтисодиётда йирик ва кичик корхоналар ҳамкорлигининг франчайзинг шакли асосан умумий овқатланишда, мехмонхона бизнесида, уй рўзгор техникаларини, кийим кечак, оёқ кийимлар ва бошқа товарларни ишлаб чиқаришда шаклланган. Ўзбекистон Республикасида бошқа МДҲ мамлакатларидан фарқли равишда франчайзинг муносабатлари такомиллаштирилиб унинг асосида касаначилик муносабатлари кенг ривожланмоқда.

Лизинг муносабатларини оладиган бўлсак, улар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ҳаётий муҳим бўлган баъзи бир тармоқларидагина (авиация транспортида, қишлоқ хўжалигида) кенг ривожланган, лекин умуман олганда бу шаклдаги ҳамкорлик миллий иқтисодиёт миқёсида бор йўғи 1 фоиз атрофида аосий капиталнинг шаклланишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётида венчурли молиялаштириш муносабатлари юқори даражада ривожланмаган, чунки, унда инновацион тадбиркорлик ҳажмлари нисбатан катта эмас.

Маълумки, иқтисодий салоҳият нуктаи-назаридан хусусий тадбиркорликнинг имкониятлари нисбатан чекланган. У йирик корхоналар сингари кучли моддий-техника базасига, барқарор ресурслар манбаига, йиллар давомида шаклланган сотиш бозорларига эга эмас. Иккинчидан, бозор конъюктурасининг бирмунча ўзгариши ҳам хусусий тадбиркорлик корхоналарига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Учинчидан, бу муаммолар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида янада кескинроқ кўринишда юз беради. Ривожланган мамлакатларда хусусий тадбиркорликнинг фаолияти барқарорлигини таъминловчи самарали дастак ва механизмлар аллақачон изга тушириб олинган бўлса, бозор муносабатларига ўтаётган Ўзбекистонда бу борада ҳали жиддий ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини тартибга солишда, яъни, постиндустриализм таълаб этадиган янги замонавий технологиялардан, интернет тизимидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Интернет технологияларининг ривожланиши давлат тендерларининг очиқлигини ва ресурслар тақсимотининг шаффофлигини таъминланмоқда. Шу билан бирга қонунчиликда йирик ва кичик корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги тасдиқланиши лозим. Хусусан, давлат буюртмаларини тақсимлашда кичик корхоналарнинг иш бажариш бўйича иштирок этиши квоталарини таъминлаш зарур.

Ўзбекистоннинг “Инқирозга қарши чоралар дастури”да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини ошириш, иқтисодиётни барқарор ўстиришнинг энг муҳим омили сифатида янада ривожлантириш – устувор вазифа сифатида белгиланган. “Чунки кичик бизнес янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш ўринлари билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда”<sup>8</sup>

<sup>8</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари Т.: “Ўзбекистон”, 2009. –Б. 46.

Ушбу вазифани ҳал этишда минтақаларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки, миллий иқтисодиётимиз минтақалар йиғиндисидан иборат бўлиб, унда Наманган вилояти муҳим ўрин тутди. Хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси ҳудудда эркин бозор муносабатларининг шаклланишини билдиради ва ҳудуднинг ривожланиш имкониятларини оширади ҳамда иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлайди.

Иқтисодий ривожланиш рейтинги бўйича Наманган вилояти Республикада 13-ўринни, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 9-ўринни, ташқи-иқтисодий фаолият бўйича 11-ўринни эгаллайди. Вилоят дотацияли ҳисобланади, ишлаб чиқариш объектларининг ривожланиш даражаси бўйича республикада 6-ўринни эгаллайди. Минтақа Ялпи ҳудудий ички маҳсулоти ҳажмида унинг муҳим тармоқларининг ҳиссаси пасайиш тенденциясига эга эканлиги билан тавсифланади: саноатда 10,2 фоиздан 7,4 фоизгача; қурилишда 7,4 фоиздан 7,3 фоизгача; қишлоқ хўжалигида 42,6 фоиздан 37,6 фоизгача пасайиши кузатилмоқда. Бу минтақанинг Республикада аграр ривожланиш йўналишига эга бўлган вилоят эканлигидан далолат беради. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақада таркибий тузилмани индустриаллаштириш ва хизмат кўрсатиш соҳасини сифат жиҳатидан яхшилашни талаб этади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш даражаси рейтинги кўрсаткичлари ва инвестицион жозибдорлиги таҳлили бўйича минтақада Учқўрғон энг ривожланган туман бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, Учқўрғон тумани географик жойлашувига кўра Фарғона иқтисодий минтақасининг сув тақсимоти маркази ролини бажаради. Туманнинг индустриал ривожланиши, транспорт логистика салоҳияти, ер ости бойликлари (илмий хулосаларга кўра нефт захираси мавжуд) ва чегара ҳудуд бўлиб ҳисобланганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 25 апрелдаги “Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунига асосан тадқиқот ишида Учқўрғон туманида “Эркин иқтисодий зона” ташкил этиш тавсия этилган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2009-2012 йилларга мўлжалланган “Инқирозга қарши чоралар дастури”нинг муҳим йўналишлари сифатида, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган замонавий инновацион технологияларни жорий қилишнинг долзарблиги кўрсатиб ўтилган.

Наманган вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4058-ПФ-сонли фармонининг минтақада бажарилишини таъминлаш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилмоқда. 2008 йилда минтақада 7 та лойиҳа доирасида 28 млн.долл миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилинди ва улардан 4 та лойиҳа тўлиқ амалга ошди.

Минтақада таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб қолмоқда. 2000-2008 йилларда Наманган вилоятига Республика ялпи инвестиция ресурсларининг 4 фоизга жалб этилган, инвестицион ресурсларни жалб этиш даражаси бўйича у республикада 9- ўринда туради. Бу республика меҳнат ресурсларининг 5,1 фоизи жойлашган минтақа учун ва бутун Форғона иқтисодий ҳудуди бўйича ҳам етарли эмас. Минтақада институционал ислохотларнинг олиб борилиши натижасида ялпи инвестициялар таркибида таркибий ўзгаришлар юз берди. Ялпи инвестициялар таркибида марказлашмаган инвестицияларнинг ҳажми 46,0 фоиздан 77,2 фоизга ўсди. Шунга мос равишда марказлашган инвестицияларнинг ҳажми 54,0 фоиздан 22,8 фоизгача камайди. Давлат бюджети ҳисобидан қилинадиган инвестициялар ҳажми тадқиқ этилаётган даврда 40,5 фоиздан 13,8 фоизгача камайди, бу минтақада хусусий секторнинг ривожланаётганидан далолат беради. Минтақада инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилаётган шароитда инвестицион жозибадорликни оширишнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида инвестицияларни минтақа ишлаб чиқариш инфратузилмасининг барқарор ривожланишини таъминлайдиган соҳаларга йўналтириш;
- хўжалик фаолиятига минтақа ресурсларини ва демографик салоҳиятини жалб этиш орқали инвестицион фаолликни ошириш;
- инқирозга қарши чораларда белгиланган маҳаллийлаштириш дастурини ривожлантириш асосида рақобатбардошлик имкониятлари катта бўлган (узум, олма ва ҳ.к) маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;
- минтақада малакали кадрлар тайёрлаш, бандликни ошириш, соғлиқни сақлаш каби йўналишлардаги Давлат дастурларини амалга ошириш.

“Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади”<sup>9</sup>. Наманган вилоятида иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, хусусий тадбиркорлик фаолиятини фаоллаштириш натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 2000 йилдаги 1950 тадан, 2008 йилга келиб 26139 тага етди. Бу ўзгаришлар минтақада ишлаб чиқарилаётган ЯХИМ ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 33,4 фоиздан 69,7 фоизгача (республиканинг ўртача даражасига нисбатан 21 пунктга ортиқ) ошганлиги билан ифодаланади. Минтақада хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш хусусиятларидан бири бу 2008 йилда ЯХИМда якка тадбиркорлар улушининг сезиларли даражада яъни, 36 фоизга ўсганлигидир.

<sup>9</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари Т. “Ўзбекистон”, 2009. -Б.56.

Минтақада хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш хусусиятларидан яна бири унда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича қишлоқ хўжалиги ва чакана савдодан ташқари бошқа барча тармоқларда республика кўрсаткичидан саноатда - 9,4 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда - 7,2 фоиз, қурилишда – 20,7 фоиз, пуллик хизматларда 20,4 фоиз юқори даражада эга эканлигидир. Саноат ишлаб чиқариши ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши 2008 йилда республикада 13,9 фоизни, минтақада 23,3 фоизни ташкил этди. Кичик саноат корхоналарининг жадал ривожланиши минтақанинг Янгиқўрғон, Чуст, Наманган, Чортоқ ва Косонсой туманларида кузатилди.

#### 1-жадвал

#### Наманган вилояти иқтисодиётининг асосий тармоқлари маҳсулоти ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши (%)<sup>10</sup>

	2000 й		2008 й	
	Ўзбекистон Республикаси	Наманган вилояти	Ўзбекистон Республикаси	Наманган вилояти
Саноат	11,3	17,8	13,9	23,3
Истеъмол товарлари	19,9	18,0	22,5	26,8
Қишлоқ хўжалиги	72,4	69,6	97,8	98,5
Қурилиш	37,0	38,9	58,5	79,2
Чакана савдо айланмаси	45,9	35,4	47,2	48,4
Пуллик хизматлар	37,9	57,8	49,1	69,5

Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш соҳасидаги кичик тадбиркорликнинг ривожланишида беқарорлик, маҳаллий ҳомашёни қайта ишлаш даражасининг пастлиги кузатилди. Бу вилоятнинг ижобий – ресурс салоҳиятига ва ички бозорининг истеъмол товарларига бўлган талабига мос келмайди. 2000 йилга нисбатан истеъмол товарларини ишлаб чиқаришнинг 3,8 баробарга ўсганлигига қарамасдан, 2008 йилда вилоятда ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг умумий ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши бор йўғи 26,8 фоиз ташкил қилди ва бу минтақанинг республикада тутган ўрни 4,0 фоиздан 3,8 фоизгача пасайганлигини ифода этади.

Вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши 2000 йилдаги 69,6 фоиздан 2008 йилда 98,5 фоизгача ўсди. Шу билан бирга бу даврда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида вилоят хусусий тадбиркорлигининг улуши 7,7 фоиздан 6,6 фоизгача пасайди.

Хусусий тадбиркорлик субъектларининг турли ижтимоий объектларни қуришдаги фаол иштироки натижасида, ушбу секторнинг мазкур йўналишдаги ишлар умумий ҳажмидаги улуши 2000 йилдаги 38,9 фоиздан 2008 йилга келиб 79,2 фоизгача ўсди. Бу минтақада қурилиш ишлари Республика кўрсаткичига нисбатан доимо юқори даражада сақланиб қолаётганидан далолат беради.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Умумий қурилиш ишлари ҳажмининг 27,0 фоизи кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилди. Вилоят кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг республикадаги қурилиш ишлари умумий ҳажмидаги улуши 6,7 фоизни ташкил қилади.

Минтақанинг умумий чакана савдо айланмасида кичик бизнес субъектларининг улуши 2008 йилга келиб 48,5 фоизни ташкил қилди ёки 2000 йилга нисбатан 12,4 фоизга кўпайди, ваҳоланки, республика бўйича бу кўрсаткич – 5,9 фоизни ташкил қилган. Вилоятнинг пуллик хизматлар умумий ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши 2000 йилдаги 57,8 фоиз ўрнига 2008 йилда 69,5 фоизни ташкил қилди. Пуллик хизматларнинг аксарият қисми (83,6 фоиздан зиёди) яқка тадбиркорлар томонидан кўрсатилмоқда. Вилоят кичик тадбиркорларининг республика пуллик хизматлари ҳажмидаги улуши 6,0 фоиз даражасида сақланиб турибди.

Минтақада Республика кўрсаткичига нисбатан товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда хусусий тадбиркорликнинг устунлиги, мос равишда иқтисодиётда жами банд бўлганларга нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини 76,4 фоизга (542,4 минг киши) устунлигини таъминлади. Шу жумладан, унинг 75,3 фоизи (407,7 минг киши) яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда 18,4 фоизи (133,6 минг киши) кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади. Шу билан биргаликда вилоятда ҳар 1000 нафар аҳолига 8,8 бирлик кичик бизнес корхонаси тўғри келади, бу республика минтақалари орасида энг паст кўрсаткич бўлиб, республика кўрсаткичининг 0,6 фоизини ташкил этади. Бу аҳоли зич жойлашган минтақада ишчи ўринлари барпо қилиш нуқтаи назаридан қониқарли ҳолат эмас.

Наманган вилоятида хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо айланмаси ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлиб 2008 йилда 167,4 млн.АҚШ долларини ташкил қилди ва 2000 йилга нисбатан 4,0 баробарга ўсди. Бу даврда вилоят экспортининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши 16,9 фоиздан 52,0 фоизгача кўпайди ва бу Республика ўртача кўрсаткичидан юқоридир. Экспортнинг аксарият қисми (64 фоизи) яқка тадбиркорларга тўғри келади. Экспортнинг товар таркибида – янги сабзавот, мевалар ва қуруқ мевалар сингари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий ўрин тутади. Кичик бизнес субъектлари томонидан 2000-2008 йилларда амалга оширилган импортнинг вилоят импортининг умумий ҳажмидаги улуши 51,5 фоизгача кўпайди ва бу республика ўртача кўрсаткичидан анчагина ортиқдир. Импортнинг асосий қисми (51%) вилоятга усқуналар, техника, эҳтиёт қисмлар ва саноат корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш учун эҳтиёт қисмлар олиб келишга ихтисослашган кичик корхона ва микрофирмалар томонидан амалга оширилди.

**Наманган вилоятининг ташқи иқтисодий фаолиятида кичик  
тадбиркорликнинг улуши<sup>11</sup>**

Худудлар	2000 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2007 й.	2008 й.
Кичик тадбиркорликнинг умумий экспортдаги ҳиссаси							
Ўзбекистон Республикаси	10,2	7,5	6,9	7,3	6,0	14,8	12,3
Наманган вилояти	16,9	11,7	36,6	64,0	74,1	32,7	52,8
Кичик тадбиркорликнинг умумий импортдаги ҳиссаси							
Ўзбекистон Республикаси	27,4	24,9	33,0	32,7	33,7	32,0	38,5
Наманган вилояти	38,2	48,0	62,3	64,9	57,4	67,3	51,5

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ижобий тенденциялар билан бирга қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Иқтисодиётнинг тармоқ таркибида салмоқли ўринни қишлоқ хўжалиги эгаллайди, саноатнинг улуши ниҳоятда паст. Саноатда кичик бизнеснинг ҳиссаси бўйича минтақа худудларида кескин (10 баробаргача) фарқ мавжуд. Минтақанинг экспорт ҳажмини ўстириш ва истеъмол бозорини ривожлантириш учун қишлоқ хўжалиги ва маҳаллий ҳом ашёни қайта ишлаш тармоқлари салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмапти.

Минтақа саноатидаги таркибий силжишларда қарама-қарши ва зиддиятли ҳолатларни кузатиш мумкин. Минтақада маҳаллий ҳом ашёни қайта ишлаш ҳисобидан озиқ-овқат саноатининг ривожланиши ижобий ҳолатдир. Лекин, саноатда машинасозлик ва енгил саноат ҳиссасининг камайиши, минтақада меҳнат сиғими юқори бўлган ишлаб чиқариш билан меҳнат бозори ўртасида номуносиблик мавжудлигини кўрсатади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақа саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги ҳом ашёсини чуқур қайта ишлайдиган саноат корхоналарини ривожлантириш;
- маҳаллийлаштириш дастурига кўра минтақани пахта ва ипак матоларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш.

Минтақада 80 турдаги, асосан, қурилиш соҳасида фойдаланиладиган фойдали қазилмалар бор. Ҳисоб-китобларга кўра, охак захираси 2,7 млн. тоннани, травертин 1830 куб. метрни, гранит 2,0 минг кв. метрни ташкил этади. “Бугунги босқичда касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг кўшимча манбаига айланиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди”<sup>12</sup>. Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ-3586-сонли Фармонидан келиб чиқиб мазкур ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида 2009-2012 йилларда қурилиш саноати йўналишида минтақада касаначилик ва лизинг

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

<sup>12</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари Т.: “Ўзбекистон”, 2009 -Б.26.

асосида хусусий корхоналар барпо этиш орқали хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тавсия этилган. Шу билан бирга тадқиқот ишида минтақада пахтани қайта ишлаш, жун ва ипақдан қўлда гилам тўқиш, трикотаж ва жун маҳсулотларини тўқиш, матоларни қўлда бўйаш, кўрпа – ёстик, сочиқ тайёрлаш, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, шиша идишларни йиғиш ва бирламчи ювиш, сут маҳсулотларини тайёрлаш бўйича касаначиликни ташкил этишнинг катта имкониятлари мавжудлиги кўрсатиб ўтилган. Бу ишларни йўлга қўйиш натижасида 2012 йилга келиб энгил саноатда қайта ишлашнинг салмоғини 59,4 фоизга, шу жумладан, пахтани қайта ишлашни 33,0 фоизга, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашни 54,0 фоизга, донни қайта ишлашни 17,5 фоизга етказиш мумкин.

Минтақада молиявий ресурслар чекланган шароитда хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантиришда лизинг анъанавий молиялаш усуллари ўрнини босадиган муқобил инвестициялаш усулига айланган. Наманган вилоятида “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК вилоят филиали томонидан 2001-2008 йиллар давомида 16 млрд 550 млн сўмлик, жами 1655 дона турли русумдаги қишлоқ хўжалиги техникалари фермер хўжаликларига ўрнатилган тартиб асосида етказиб берилди. Юқоридагилар минтақа иқтисодиётининг асосий капиталини шакллантириш учун етарли эмас.

Минтақада хорижий инвестицияли қўшма корхонларнинг республика умумий экспортидаги улуши 2000 йилдаги 2,6 пунктдан, 2008 йилда 1,3 пунктга пасайиш тенденциясига эга. Бу инвестицион имкониятлари юқори бўлган Наманган вилоятида захиралардан етарли даражада фойдаланилмаётганлигидан далолат беради. Истиқболда вилоятда жаҳон бозори учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича афзалликларга эга бўлган тармоқлар ва корхоналар қаторига: энгил ва озиқ-овқат саноатини, қурилиш материаллари саноатида товарни чуқур қайта ишлаш даражасини ўстириш учун импортни камайтирувчи ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ташкил этадиган қўшма корхоналарни киритиш мумкин.

Наманган вилоятининг иқлими континентал, тоғ ва тоғолди зоналарда эса ҳаво салқин, намлиги юқори, бу ҳудудлар иссиқ минерал булоқларга бой. Айниқса, Чортоқ, Шаханд, Косонсой, Учқўрғон сувлари шифобахшлиги балан шуҳрат қозонган. Вилоятда 27 та тарихий меъморий обидалар ва зиёратгоҳлар мавжуд, унинг ҳудудидан буюк Ипақ йўли ўтган. Диссертацияда ушбу омиллар орқали минтақада халқоро туризм, сайёҳлик ва соғломлаштириш муассасаларини, сервис хизматини модернизация қилиш ва сифатини ошириш ва бунинг асосида ушбу соҳаларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тавсия этилган.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 2000 йилда 69,6 фоиз ташкил этган бўлса, 2008 йилда 98,5 фоизга етди, яъни республика даражасига тенглашди. 2008 йилда минтақада фермер хўжаликлари томонидан 768,1 млрд. сўмлик маҳсулот таёрланди. Жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда уларнинг улуши 32,7 фоизни ташкил қилди. Наманган вилоятида

хусусий тадбиркорликнинг шаклларида бири бўлган фермер хўжалиklarининг сони 2008 йилга келиб 13318 тага етди, бу 2000 йилга нисбатан беш марта кўпдир. Бу даврда минтақа туманлари бўйича фермер хўжалиklари сонининг барқарор ўсиши Чортоқ туманида 8,5 марта, Косонсой туманида 8,2 марта, Янгиқўрғон туманида 7,3 марта кузатилди. Ушбу даврда фермер хўжалиklар сонининг энг паст суръатларда ўсиши Поп туманида 3,2 марта, Чуст туманида 3,6 марта, Мингбулоқ туманида 3,8 марта содир бўлди. Лекин минтақада фермер хўжалиklarининг жойлашиши бўйича бутунлай бошқа манзарани кузатиш мумкин. Фермер хўжалиklари энг кўп ташкил этилган ва жойлашган туманларга Янгиқўрғон (16,0%), Чуст (14,2%), Чортоқ туманлари (12,4%) киради. Бу туманларда вилоятнинг 42,6% фермер хўжалиklари фаолият юритадилар. Минтақада энг кам фермер хўжалиklар ташкил этилган ва жойлашган туманларга Норин (4,4%), Наманган (5,9%), Уйчи (6,1%) туманлари киради. Ушбу туманларда вилоятнинг 16,4 фоиз фермер хўжалиklари фаолият юритмоқдалар.

Диссертацияда Наманган вилоятининг табиий иқлим шароитига, географик рельефига, фермер хўжалиklarининг ихтисослашувига ва уларни минтақада жойлашувига қараб фермер хўжалиklarини учта; тоғли, тоғолди ва чўл текислик зоналар бўйича ривожлантириш тавсия этилган. Минтақанинг Мингбулоқ, Наманган, Норин, Поп, Чуст, Уйчи ва Учқўрғон туманлари чўл текислик зонада жойлашган бўлиб, унда пахта ва дон етиштиришга кўпроқ ихтисослашган фермер хўжалиklарни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиklarини минтақанинг тоғли зонасида жойлашган Поп, Чортоқ, Чуст ва Косонсой туманларида ривожлантириш самарали ҳисобланади. Мева, сабзавот ва полиз экинларига ихтисослашган фермер хўжалиklarини минтақанинг тоғолди зонасида жойлашган Тўрақўрғон, Чортоқ, Янгиқўрғон ва Косонсой туманларида ривожлантириш лозим.

Наманган вилояти деҳқон хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 1995 йилда 49,3фоизни, 2000 йилда 66 фоизни ва 2008 йилга келиб эса 61,6 фоизни ташкил этди. Бу ҳолат, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аксарият қисми майда тадбиркор хўжалиklари томонидан ишлаб чиқарилаётганлигидан далолат беради. Тадқиқот ишида ушбу жараён вақтинчалик тавсифга эга эканлиги таъкидланган. Диссертацияда қишлоқ хўжалигининг келажаги йирик ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ эканлиги илмий асосланган.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра 2012 йилга келиб қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулотни ишлаб чиқариш 2008 йилга нисбатан 37,6 фоизга ўсишига эришилади. 2012 йилда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши 26,5 фоизни ташкил этади. Вилоятдаги мавжуд қайта ишлаш корхоналарининг тўла қувват билан ишлаши ҳамда четдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи минитехнологияларнинг олиб келиниши ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш анча ортади. 2012 йилга келиб пахтанинг 85 фоизини, ғалланинг 92,0 фоизини, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 22,0 фоизи, яни меванинг 48,0 фоизини,



узумнинг 60,0 фоизини, гўштнинг 35,0 фоизини ва сутнинг 51,0 фоизини қайта ишлашга эришиш лозим. Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни истиқбол кўрсаткичлар асосида ривожлантириш натижасида унинг ЯХИМдаги улушини 2012 йилда 75,8 фоизга етказиш режалаштирилган. Фикримизча, вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 2012 йилда 26193 тани ташкил этиши кутилмоқда. Улар томонидан яратиладиган янги ишчи ўринлари 2012 йилда 2008 йилга нисбатан 131,6 фоизга ўсади. Кичик бизнес соҳасига ишловчиларнинг жами бандликдаги улуши 2012 йилда 76,3 фоизни ташкил этиши тахмин қилинмоқда.

## ХУЛОСА

Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятларини тадқиқ этиш натижалари асосида қуйидаги илмий хулосалар ва амалий таклифларни келтириш мумкин:

1. XXI аср бўсағасида жамият ахборотлашган постиндустриализм босқичига ўтди. Унда такрор ишлаб чиқариш омиллари, шу жумладан, тадбиркорликнинг мазмуни ўзгармоқда. Фикримизча, “Тадбиркорлик бу ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ бўлган, бошқа субъектлар билан қонун ҳужжатлари доирасида алоқа қиладиган, маълум даражада таваккалчилик билан боғлиқ ҳолда шахсий ва жамоавий ташаббускорликка асосланган, тўла мулкый жавобгарлик асосида жамият эҳтиёжига мос бўлган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш орқали маълум даражада даромад (фойда) олишни таъминлайдиган фаолиятдир”.

2. Тадқиқот натижаларига кўра, хусусий тадбиркорлик корхоналарининг бозор иқтисодиётида муҳим афзалликларга эгаллиги бандликни таъминлашда, жамғариш ва инвестицияларга мойилликларининг юқорилиги билан тавсифланади. Бизнингча, хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий адабиётда кам ўрганилган муҳим афзаллиги шундаки, унда юқори даромад олиш омили йирик коорпорацияларга нисбатан катта аҳамият касб этмайди. Хусусий тадбиркорлик янги замонавий технологияларни ишлаб чиқариш соҳасига тадбиқ этиш бўйича йирик коорпорацияларга нисбатан камроқ имкониятларга эга бўлишига қарамасдан, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда етакчилик қилмоқда.

3. Хусусий тадбиркорликнинг асосий хусусиятларидан бири иқтисодиётнинг ушбу соҳаси доимо давлат томонидан қўллаб-қувватланишга эҳтиёжманд эканлигидир. Давлат моддий-техник, инфорацион, технологик, консультатив, маркетинг, таълим хизмати, молиявий таъминот ва бошқа йўналишларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлайди ва тартибга солиди. Давлат томонидан хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини тартибга солишда, улар ўртасидаги ҳамкорликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, масалан, интернет тизимидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Интернет давлат тендерларининг очиклигини ва ресурслар тақсимотининг шаффофлигини таъминлайди.

4. Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш коэффиценти 8,7 фоизни, тугатиш коэффиценти эса 17,2 фоизни ташкил этмоқда. Бу минтақада хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва сунъий тўсиқлар мавжуд эканлигидан далолат беради.

5. Иқтисодий ривожланиш рейтинги бўйича Наманган вилояти Республикада 13-ўринни, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 9-ўринни, ташқи иқтисодий фаолият бўйича 11-ўринни эгаллайди. ЯХИМ ҳажмида кичик бизнеснинг улуши 2008 йилда 69,7 фоизни ташкил этди. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси ялпи инвестиция ресурсларининг 4,0 фоизи йўналтирилди. Бу республика меҳнат ресурсларининг 5,1 фоизга эга бўлган мазкур минтақа учун етарли эмас.

6. Минтақада кичик бизнес субъектларининг сони ўсиб бормоқда. Шу билан бирга вилоятда ҳар 1000 нафар аҳолига 8,8 бирлик кичик бизнес корхонаси тўғри келади. Бу республика минтақалари орасида энг паст кўрсаткич бўлиб, 0,57 фоизни ташкил этади. Бу аҳоли зич жойлашган минтақада ишчи ўринлари барпо қилиш нуктаи назаридан қониқарли ҳолат эмас.

7. Наманган вилоятида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган табиий 80та қурилиш соҳасида ишлатиладиган фойдали қазилмалар бор. Ҳисоб-китобларга кўра, оҳак захираси 2,7 млн. тоннани, травертин 1830 куб. метрни, гранит 2,0 минг кв. метрни ташкил этади. Бу эса минтақанинг қурилиш материаллари саноатида ва пахтани қайта ишлаш корхоналарида, енгил ва озиқ-овқат саноатнинг барча тармоқларида касаначилик ва лизинг асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имконини беради.

8. Минтақада 27 та тарихий меъморий обидалар ва зиёратгоҳлар мавжуд, унинг ҳудудидан буюк Ипак йўли ўтган, Наманган аэропорти хатто энг йирик “Боинг” русумли самолётларни ҳам қабул қилиш имкониятига эга. Минтақанинг қулай иқлим шароити сағломлаштириш ҳамда халқаро туризм соҳаларини модернизация қилиш ва хизматлар сифатини ошириш орқали хизматлар экспортини кенгайтириш бўйича хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

9. Минтақанинг Учкўрғон туманининг қулай географик жойлашуви, унинг индустриал ривожланиши, юқори транспорт логистика салоҳиятининг ва бой ер ости табиий бойликларининг мавжудлиги, тадбиркорлик фаолиятининг юқори даражада ривожланганлиги ушбу ҳудудда эркин иқтисодий зонани ташкил этиш учун барча имкониятлар бор дейишга асос бўлади.

10. Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш харажатларини 20 фоизга камайтириш вазифаларини Наманган вилоятида амалга ошириш мақсадида минтақанинг табиий иқлим шароитига, географик рельефига қараб минтақани учта: тоғли, тоғолди ва чўл текислик зоналарига бўлиб фермер хўжаликларни ихтисослаштириш ва жойлаштириш асосида

хўжаликларини самарали ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Минтақанинг Мингбулоқ, Наманган, Норин, Поп, Чуст, Уйчи ва Учқўрғон туманлари чўл текислик зонасида жойлашган бўлиб, унда пахта ва дон ишлаб чиқаришга кўпроқ ихтисослашган фермер хўжаликларини ривожлантириш маъқул. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини Поп, Чортоқ, Чуст ва Косонсой туманларида ривожлантириш лозим, чунки улар минтақанинг тоғли зонасида жойлашган. Мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини минтақанинг тоғолди зонасида жойлашган Тўрақўрғон, Чортоқ, Янгиқўрғон ва Косонсой туманларида етиштириш мақсадга мувофиқ.

11. Минтақада фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг хусусиятларидан бири вилоятнинг табиий-иқлим шароитларидан келиб чиқиб унда боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликлари улушининг Республика кўрсаткичидан юқори даражада эканлигидир. Бундай ҳолат минтақанинг аграр соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб вилоятда боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини устун даражада ривожлантиришни талаб этади.

12. Минтақада Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни истиқболда барқарор ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича агрофирмаларни тезкорлик билан ривожлантириш; янги иш ўринларини барпо қилишни фаоллаштириш ва маҳсулотни экспорт қилишни кўпайтириш мақсадида мева ва сабзавот шарбатлари, вино, турли консерва маҳсулотлари, озиқа кўшимчалари ва дориворлар, куруқ мева ва улардан миллий қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- сабзавот ва меваларни тайёрлаш ва сақлаш бўйича ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, бу маҳсулотлар билан ички бозорни таъминлаш ва уларни ташқи бозорга чиқариш билан шуғулланувчи шаҳобчалар фаолиятини фаоллаштириш;
- Ёғ–мой ассоциацияси ва озиқ-овқат саноати корхоналари тизимида пахтанинг техник уруғини қайта ишлаш, хўжалик совуни, қандолатчилик маҳсулотлари, алкаголсиз ичимликлар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича йирик саноат корхоналари билан кичик корхоналар ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш;
- кичик текстил ва тикувчилик корхоналарини, халқ ҳунармандчилиги ва миллий санъоат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- Қамчиқ давони стратегик автомобил йўли бўйича унча катта бўлмаган хизмат кўрсатувчи корхоналарни ривожлантириш;
- чегара олди савдоси бўйича кичик тадбиркорликни ва Қирғизистон Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш;
- хизматлар экспортини кенгайтириш борасида сервис хизматини модернизация қилиш ва унинг сифатини ошириш йўли билан соғломлаштириш – курорт зонасини (Чортоқ туман) ривожлантириш.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Тўрабоева Н.М. Кичик бизнес ва акция. //Иқтисод ва ҳисобот Тошкент,1998 - №3. -Б.33.
2. Тўрабоева Н.М. Маҳкамов. Ш. Кичик бизнес ва бандлик. //Ўзбекистон Республикасида минтақавий географик сиёсат: муаммолар ва ечимлар. Халқаро илмий амалий конференция. Тез. тўп., Наманган, 2001. -Б. 137.
3. Тўрабоева Н.М. Маҳкамов. Ш. Фермер хўжаликлари иқтисодий тараққиёт таянчи.//Аграр соҳада иқтисодий ислохотларнинг устивор йўналишлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари.- Фарғона, 2005.-Б 51-52.
4. Тўрабоева Н.М. Ҳурамова Ш. Қишлоқда аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш ва ривожлантириш муаммолари. //Республика илмий-амалий конференция материаллари.- Фарғона, 2005.-Б 87-88.
5. Тўрабоева Н.М. Перспективы развития малого бизнеса в Узбекистане. //Социально-экономические закономерности развития мировохозяйственных связей в условиях усиления интеграционных процессов. Сборник материалов международной научной конференции. Санкт-Петербург 2005 – С. 215.
6. Тўрабоева Н.М. Ишанова Ш. Инвестицион фаолиятни ривожланишида банкларнинг роли. Республика илмий-амалий конференция материаллари.- Наманган, 2006.-Б 110-112.
7. Тўрабоева Н.М. Пути развития малого бизнеса. //Социально-экономические проблемы переходной экономики. Сборник материалов международной научной конференции. Москва, 2005.С. 19-20.
8. Тўрабоева Н.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг минтақавий хусусияти. Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент, 2008.-Б 176-178.
9. Тўрабоева Н.М. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожланиши. //Аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрни: Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент. 2008.-Б 160-161.
10. Тўрабоева Н.М. Развитие теории о предпринимательстве в экономической литературе. //“Казахстан в новом мире и проблемы Национального образования”. Сборник материалов международной научной конференции. 11 том – Республика Казахстан (Жетисой 2008),-С. 216-217.
11. Тўрабоева Н.М. Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва унинг минтақавий хусусиятлари. //Иқтисодиёт ва таълим.- Тошкент, 2008.-№3.-Б.45-48.
12. Тўрабоева Н.М. Наманган вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари.//Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган муаммолар ва ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент. 2008.-Б 195-196.

13. Тўрабоева Н.М. Наманган вилояти иқтисодий ривожланишининг худудий хусусиятлари.// Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва соҳада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари”. Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Гулистон. 2008.-Б 34-35.
14. Тўрабоева Н.М. Минтақада касаначиликни ривожлантириш инқирозга қарши чоралар дастурининг устувор йўналиши сифатида. //Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент, 2009.-Б 34-35.
15. Тўрабоева Н.М. Наманган вилоятида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш бугунги куннинг устувор вазифаси. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2009. - Б 134-136.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Тўрабаева Нуртожит  
Мирабдуллаевнинг 08.00.12 – “Минтақавий иқтисод” ихтисослиги бўйича  
“Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари  
(Наманган вилояти мисолида)” мавзусидаги диссертациясининг  
РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** тадбиркорлик, хусусий тадбиркорлик, франчайзинг, ички пудрат муносабатлари, венчурли молиялаштириш, лизинг, иқтисодий ривожланиш рейтинги, инвестициялар, худуднинг инвестицион жозибадорлиги, ташқи савдо айланмаси, деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги.

**Тадқиқот объектлари:** Наманган вилояти иқтисодиётида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жараёнлари.

**Ишнинг мақсади:** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** тадқиқот жараёнида тарихийлик, тизимли таҳлил, монографик таҳлил, анкета –сўровнома, иқтисодий-статистик, киёсий таҳлил, график ва жадвал усулларидадан фойдаланилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий моҳиятини ифодаловчи такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди; иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида минтақа иқтисодиёти таркибий тузилмасини такомиллаштиришда хусусий тадбиркорликнинг ўрни аниқланди; Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш жараёнида хусусий тадбиркорликни касаначилик, лизинг асосида ривожлантиришнинг илмий асослари ва минтақавий хусусиятлари очиқ берилди; минтақада хусусий тадбиркорликнинг асосий шакллари бўлган фермер ва деҳқон хўжалиқларини ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди; иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида минтақада хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва стратегиясини аниқлашга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Амалий аҳамияти:** ишда олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан минтақада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги истиқболли дастурларни ва стратегик концепцияларни ишлаб чиқишда, амалдаги мақсадли дастурларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш учун Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Наманган вилояти филиали, Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг Наманган вилояти худудий бошқармаси томонидан қабул қилинган. Дисертация материалларидан Наманган Давлат университетида “Минтақавий иқтисодиёт”, “Тадбиркорлик асослари” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

**Қўлланиш соҳаси:** Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, олий ўқув юртлари.

## Резюме

**Диссертации Турабаевой Нуртожит Мирабдуллаевны на тему «Региональные особенности развития частного предпринимательства (на примере Наманганской области)» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.12-«Региональная экономика»**

**Ключевые слова:** предпринимательство, частное предпринимательство, франчайзинг, внутренние пудратные отношения, венчурное финансирование, лизинг, рейтинг экономического развития, инвестиции, инвестиционная привлекательность территории, внешний торговый оборот, дехканское хозяйство, фермерское хозяйство.

**Объекты исследования:** разработка научные предложений и практических рекомендаций направленных на развитие, поддержку и стимулирования частного предпринимательства в Наманганской области.

**Цель работы:** выявление региональных особенностей развития частного предпринимательства в Наманганской области, разработка научных и практических предложений направленных на развитие частного предпринимательства в перспективе.

**Методы исследования:** исторический, системный анализ, монографический анализ, сравнительный анализ, табличный методы.

**Полученные результаты и их новизна:** разработано усовершенствованное авторское определение отражающее экономическую сущность частного предпринимательства; выявлено местно частного предпринимательства в совершенствовании структуры экономики региона; раскрыты научные основы и региональные особенности развития частного предпринимательства на основе надомничества, лизинга в процессе осуществления программы антикризисных мер; предложена система мер направленная на развитие фермерских и дехканских хозяйств, которые являются основными формами частного предпринимательства в регионе; разработки научные предложения и практические рекомендации по выявлению приоритетных направлений и стратегии развития частного предпринимательства в регионе в условиях модернизации экономики..

**Практическая значимость:** полученные результаты, научно-практические выводы, предложения и рекомендации могут быть использованы при разработке перспективных программ и концепций направленных на развитие частного предпринимательства в регионе, в совершенствовании действующих программ.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** результаты исследования применяются филиале Института изучения гражданского общества в Намангаской области (справка №01/115. От 06.06.2008), Наманганском территориальном управлении Торгово-промышленной палаты Узбекистана (справка № СС 11-11-01/1001. От 08.09.2008), Наманганском Государственном университете (справка № 1132-04. От 08.11.2008)

**Область применения:** Министерство экономики Республики Узбекистан, Государственный комитет по демонополизации и развитию конкуренции, высшие учебные заведения.

## Resume

**Thesis of Turabaeva Nartojit Mirabdullaevna on the scientific degree competition of the doctor of sciences (philosophy) in economics on the theme: “Regional features of private entrepreneurship (the case of Namangan region) for the degree of Candidate of Economic Sciences; speciality 08.00.12-“Regional economics”**

**Key words:** entrepreneurship, private entrepreneurship, franchising, internal contract relations, venture financing, leasing, rating of economic development, investments, investment attractiveness of the territory, external turnover, dekhkan (peasant) farming, farming.

**Subjects of the inquiry:** the processes of development of enterprising activity of the subjects of small business and private entrepreneurship functioning in Namangan region.

**Aim of the inquiry:** elaboration of scientific suggestions and practical recommendations aimed at developing, sustaining and stimulating private entrepreneurship in Namangan region.

**Methods of inquiry:** historical, system analysis, monographic analysis, comparative analysis, diagram methods.

**The results achieved and their novelty:** the improved author's definition reflecting the economic essence of private entrepreneurship was elaborated; the role of private entrepreneurship in improving the structure of the economy of the region was revealed; scientific bases and regional features of developing private entrepreneurship based on homework activities leasing in the process of the realization of the programme of antiorisis measures were disclosed; the system of measures aimed at developing dekhkan farming which are the basic forms of private entrepreneurship in the region was proposed; scientific suggestions and practical recommendations on revealing priority and the strategy of developing private entrepreneurship in the region in the conditions of the modernization of economy were elaborated.

**Practical value:** the results obtained, scientific and practical conclusions, suggestions and recommendation can be used in working out perspective programmes and conception aimed at developing private entrepreneurship in the region, in improving the programmes in use.

**Degree of embed and economic effectivity:** the results of research are in use in the branch of the Institute to studying civic society in Namangan region (certificate №01/115 as of 06.06.2008), Namangan territorial board of the chamber of trade and industry of Uzbekistan (certificate № CC 11-11-01/1001 as of 08.09.2008), Namangan state university (certificate №1132-04 as of 08.11.2008).

**Sphere of usage:** Ministry of economy of the Republic of Uzbekistan, State committee on demonopolisation and development of competition, higher educational establishments.